

PUDRAT SHARTNOMASI

Улуғнор туман Мактабгача таълим бўлими келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб аталиб Низомга асосан раҳбар **Г. Ғаффорова** бир томондан «Равон Савдо Саноат Транс» кейинги ўринларда «Пудратчи» деб аталиб Низом асосида иш юритувчи номидан раҳбар **М.Хакимов** иккинчи томондан Улуғнор туман Мактабгача таълим бўлими тасаруфидаги 12-МТТ нинг иссиқлик тизиминон таъмирлаш ишларини бажариш бўйича шартноматуз дилар.

ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ.

1.1 Улуғнор туман Мактабгача таълим бўлими тасаруфидаги 12-МТТ нинг иссиқлик тизимини таъмирлаш ишларини бажаришни ўз зиммасига олади. 1.2 Буюртмачи жорий таъмирланадиган кўча учун тузилган лойиха-смета хужжатларини ҳамда давлат экспертиза хужжатларини тақдим этади, бажариладиган жорий таъмирлаш ишлари учун зарур бўлган дастлабки маълумотларни бериш, бажарилганишларни қабул қилиб олиш белгиланган тартибда амалга оширилади. 1.3 Пудратчи жорий таъмирлаш ишлари учун тузилган лойиха-смета хужжатлари асосида ҳамда амалдаги тартиб қоидалар ва меъёрларга риоя этган холда таъмирлаш ишларини бажаради. 1.4 Бажариладиган ишлар тартиби, амалга ошириш муддатлари куйдаги тартибда: - бажариладиган ишлар муддатининг 30 календар куни; - жорий таъмирлаш ишларини бажариш нуқсон далолатномаси ҳамда лойиха-смета хужжатлари асосида белгиланади. - жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш жараёнида пудратчи ўзига клатилган вазифаларни сидқи дилдан ва виждонан бажариб иш фаолияти давомида ноқонуний харакатлар содир этмаслик, ўз мансаб ваколатини суйистеъмол қилмаслик порахўрлик, пора бериш, пора олиш ва беришда воситачилик, тамагирлик ёки фирибгарлик коррупция холатларини содир этмасликни ўз зиммасига олади

2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

2.1 Буюртмачининг мажбуриятлари: 2.2 Бажарувчи шартномада кўзда утилган шартлар ва тадбирлар асосида ўловни амалга ошириши. 2.3 Жорий таъмирланган МТТ лар озиқ - овқат омборларини ҳамда кўмирхона биноларини амалдаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишни таъминлаш мажбуриятини олади.

2.4 Пудратчининг мажбуриятлари: 2.5 Пудратчи жорий таъмирлаш ишларни техник топшириқ ва келишилган график асосида ўз вақтида сифатли бажаришни, жорий таъмирлаш ишларини давлат қиёслов ўлчовларидан ўтказиб тегишли хулосалар олиш ҳамда назорат лчовидан ўтказиш; 2.6 Объектнинг қурилиш-монтаж жараёнида муаллифлик назоратини олиб бориш ишларини амалга ошириши шарт;

2.7 Ушбу шартнома бўйича Пудратчи ўз мажбуриятларини сифатсиз бажарса, бир хафтадан ошмаган муддатда, таълаб қилинган сифат даражасида ўз хисобидан

қайтадан бажариш мажбуриятини олади.

3. ИШЛАРНИНГ ТОПШИРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

3.1 Қуйдаги шартларнинг тўлиқ амалга оширилганда тарафлар имзоланган шартнома мажбуриятларнинг бажарилиши бошланган ҳисобланади.

3.2 Ишлар тугагандан сўнг Пудратчи Буюртмачи ишларни топшириш ва қабул қилиш далолатномаси билан 2 нусхада бажарилган ишлар далолатномаси ҳамда ҳисоб-фактура хўжжатларини бажарилган ишлар фото лавҳалари тўпламини топширади.

3.3 Буюртмачи ишларни қабул қилмаслигининг асосли рад жавобини берган ҳолда зарур бўлган қўшимча ишларнинг рўйхати ва уларнинг бажарилиш муддатларини кўрсатган ҳолда икки томонлама далолатнома тузилади.

3.4 Агар ишларни бажарилиш жараёнида уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги аниқланса, томонлар 5 кун муддат ичида уни тўхтатиш бир-бирини хабардор қилиш ва 15 иш кунда ишларни давом эттириш мақсадга мувофиқ ёки мувофиқ эмаслиги тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш шарт. Ишларнинг тўхталлиши томонлар учун Ўзбекистон Республикаси Фуқоролик кодексида кўзда тутилган оқибатлар ва жавобгарликга олиб келади.

3.5 Томонлардан бири мазкур шартномада кўзда тутилган ишларни тўхтатиш тўғрисида ёзма хабар берган вақт ўзаро ҳисоб – китоб қилиш вақти ҳисобланади.

ШАРТНОМА БАХОСИ ВА ТўЛОВ ТАРТИБИ.

4.1 Шартнома бўйича амалга ошириладиган ишларнинг баҳоси – 58000 000(эллик саккиз миллион) сўмни ташкил этади.

4.2 Мазкур объект бўйича тўлов инвестиция дастури ва қайси маблағлари ҳисобидан аниқлашиб ва шу бюджет ҳисоб рақами очилгандан кейин, объектнинг ҳисоб рақамига маблағ ажратилгандан сўнг тўлов амалга оширилади.

4.3 Бажарувчи томонидан бажарилган ишлар учун молиялаштирувчи органлар томонидан маблағ молиялаштирилмаган тақдирда “Буюртмачи” тўловни амалга ошира олмайди.

4.4 “Буюртмачи” шартнома имзолаб туман газначилик бўлиmidан рўйхатдан ўтказгандан сўнг шартнома баҳосининг 30% миқдоридан бўнак (аванс) тўловини амалга оширади.

4.5 Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади. Қуйдаги ҳолларда:

-ишлар қиймати кўпайтиришга енгиб бўлмайдигон яъни (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда ва ишлар Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда.

5.ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

5.1 Ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни тарафлар бажармаганда мазкур шартноманинг амалдаги талаблари ва Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек шахарсозлик нормалари ва қоидаларига (ШНК1.03.01-08) мувофиқлиги юзасидан жавоб беради.

5.2 Пудратчи бажарган жорий таъмирлаш ишларидаги камчиликлар учун бир йил мабойнида жавоб беради. Жорий таъмирлаш ишларида камчиликлар аниқланган тақдирда Пудратчи Буюртмачининг талаби билан таъмирлаш ишларини бепул қайтадан бажариб беради.

5.3. Шартномага томонлар розилиги асосида, ёзма равишда ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

5.4 Мазкур шартнома бўйича низо чиққан ҳолларда, томонлар келишувига эришмаган тақдирда, қонунларда белгиланган тартибда ва иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақлидир.

5.5 Буюртмачи томонидан дастлабки тўлов ва ишларни топширилганда шартлашилган хаки кечиктирилган хар бир кун мажбурятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоизи миқдорида Пудратчига пеня тўлайди, бироқ бундан пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.6 Пудратчи томонидан бажарилган жорий таъмирлаш ишлари ўз вақтида бажарилмай мажбурятлар бузилган бўлса Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбурятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,01 фоиз миқдорида пеня тўлайди, бироқ бундан пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.7 Шартнома "Пудратчи"нинг ташаббуси билан бекор қилинганда, шартнома бекор қилингуна қадар бажарилган ишлар учун тўланган маблағ "Пудратчи"га қайтарилмайди.

5.8 Шартнома муддатидан олдин бекор қилиш таклифини билдирган тараф 10 кун олдин муддатда иккинчи тарафни хабардор қилиш лозим. Бунда тарафлар ўртасида ҳақиқатда амалга оширилган ишлар бўйича белгиланган ҳужжатлар асосида тўлиқ ҳисоб – китоб қилинган ҳолда амалга оширилади.

Пеня тўлаш

Бажарувчининг бажарилган ишлари ҳажмида ёки молиявий ҳисоб-китобларидананиқланган камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа тўловлар бўйича мажбурятларни ўз вақтида бажармаси, Буюртмачи ушбу маблағларни молиялаштириш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан чегириб қолиш ҳуқуқига эга.

5.9 Мазкур шартнома билан назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

6. ФОРС-МАЖОР ВА НИЗОЛАРНИ ХАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ.

6.1 Тарафлар ихтиёрига боғлиқ бўлмаган, улурни олдиндан билиш ёки олдини олиш имконияти бўлмаган ҳолатлар (енгиб бўлмас куч), эпидемия ва х.к. оқибатида мажбурятларни бажармаганлик ёки озим даражада бажармаганлик учун тарафлардан бирортаси иккинчи тараф олдида жавобгар бўлмайди.

6.2 Ушбу шартнома бўйича ёки у билан боғлиқ ҳолда тарафлар ўртасида келиб чиқадиган барча низолар ва зиддиятлар музокаралар олиб бориш йўли билан хал этилади.

6.3 Музокаралар олиб бориш йўли билан зиддиятларни хал қилишга эришилмаган тақдирда мазкур шартноманинг тузилиши ўзгариши, бузилиши, ижро этилиши, бекор бўлиши, тугатилиши, ва ҳақиқийлиги юзасидан келиб чиқувчи барча низолар, келишмовчиликлар ва талаблар Иқтисодий судида кўриб чиқилади.

7. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ЧОРАҒТАДБИРЛАР

7.1. Тарафлар шартнома тузишда, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатларни содир қилмасликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабалар юзасидан қонунга ҳилоф равишда пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни


беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдаги имтиёз, устуликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) қафолатлайди.

8 ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛЛИ ВА ХИСОБ РАҚАМЛАРИ.

«БУЙОРТМАЧИ»	«ПУДРАТЧИ»
Улуғнор туман Мактабгача таълим бўлими Манзил: Улуғнор туман Навоий куча 1-уй ШХР: 100022860032177091100251016 Бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 305155744 ОКОНХ: Ҳазначилик бўлимидаги номи: Улуғнор туман бўлими Ҳазначилик бўлимидаги Янги ҳисоб рақами: 23402000300100001010 Марказий банк Тошкент шаҳар ХККМ Ҳисоб рақами: 201122919	Номи: Равон Савдо Саноат Транс МЧЖ Манзил: Улуғнор туман Бобур МФЙ Тел: 999052200 Х/р: 20208000700742608001 Банк номи: Агро банк Улуғнор бўлими МФО: 00055 ИИНН 304666290 Рахбар: М.Ҳақимов



Hujjat <u>elektron raqamli imzo</u> orqali imzolangan. Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR Code ni skanerlang.	
Imzolovchi F.I.SH.	GUZALXON G'AFFOROVA OLIMJONOVNA
Imzolangan sana	29.11.2022 16:27
Hujjat kodi	RL03226265
Hulosa kodi	CL8327472236




**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

CL8327472236

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: Pudrat shartnomasi
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Ulug'nor tumani maktabgacha ta'lim bulimi tomonidan 28.11.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Ulug'nor tumani
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:



M.SH.TOJIBOYEV

29.11.2022